O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONASI
INV. №

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

# O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

■ 2004-YIL ■ 28-SENTABR ■ SESHANBA ■ 117 (27.292) ■ uzbovozi@sarkor.uz ■ 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.

## ЛЕОНИД КУЧМА — МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТ ДОКТОРИ

Киевда Украина Президенти Леонид Кучмага Мирзо Улуғбек номли Ўзбекистон Миллий университети фахрий доктори дипломи, мантияси ва медалини тантанали топшириш маросими бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Миллий университети ректори Тўрабек Долимов Украина давлат раҳбари ушбу мукофотга Ўзбекистон — Украина муносабатларини мустаҳкамлаш, фан ва таълим тараққиётига қўшган салмоқли ҳиссаси учун муносиб деб топилганини таъкидлади.

Л.Кучма ўз фаолиятига берилган юксак баҳо учун самимий миннатдорлик билдирди, Ўзбекистон Миллий университети ва Киев миллий университети ўртасида ўрнатилган яқин алоқаларни ижобий баҳолади.

Украина Президенти қуйидаги сўзларни алоҳида қайд этди: «Мен Ўзбекистоннинг дўсти бўлганман, дўстиман ва ҳамиша дўсти бўлиб қоламан. Биз Ўзбекистоннинг минтақа ва жаҳонда тутган муҳим мавқеини яхши биламиз».

Маросимдан сўнг бўлиб ўтган мулоқот чоғида Украина етакчиси Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов раҳбарлигида ишлаб чиқилган ва ҳаётга татбиқ этилаётган Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига юксак баҳо берди. Л.Кучма дастур республика таълим тизимини ривожлантиришда мустаҳкам асос, мамлакат иқтидорли ёшларини қўллаб-қувватлаш ва камол топтиришда муҳим рағбат бўлиб хизмат қилаётганини эътироф этди.

Ўзбекистон Миллий университети ҳайъати Тарас Шевченко номли Киев миллий университети ташкил топганининг 170 йиллик тантаналарида иштирок этди.

**«Жаҳон» АА**

## НАТО БИЛАН ҲАМКОРЛИК ЙЎЛИДА

Шимолий Иттифоқнинг Брюсселдаги бош қароргоҳида Ўзбекистон билан НАТО ўртасида шерикликнинг индивидуал ҳаракат режаси (ШИҲР) тақдимот ҳужжати юзасидан икки томонлама маслаҳатлашув кенгаши бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Евроатлантика шериклик кенгаши (ЕАШК) фаолияти ҳамда «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» (ТЙҲ,) дастурида иштирок этиш орқали НАТО билан ўзаро шериклик муносабатларини ривожлантирмоқда. Республикамиз ЕАШК ҳаракат режаси ва терроризмга қарши кураш ҳаракат режасини амалга оширишда фаол иштирок этмоқда.

НАТО-ЕАШКнинг 2002 йилда бўлиб ўтган Париж саммити шерик мамлакатлар учун ҳамкорликнинг турли соҳалардаги ўз муайян эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда НАТО билан янада индивидуаллашган муносабатларни ривожлантириш имкониятини таклиф этди.

Ушбу саммит тавсиялари асосида Ўзбекистон ҳукумати Ўзбекистон билан НАТО ўртасида шерикликнинг индивидуал ҳаракат режаси Тақдимот хужжатини ишлаб чиқди ва НАТОга тақдим этди.

НАТОга аъзо мамлакатлар тақдимот хужжати лойиҳасини тайёрлаш бўйича амалга оширилган ишларга ижобий баҳо бердилар. Мазкур ҳужжат Ўзбекистон томонидан турли соҳаларда амалга оширилиши режалаштирилган келгуси ислоҳот йўналишларини ифода этиши таъкидланди.

Шу ўринда Ўзбекистон ШИҲР доирасида НАТО билан индивидуаллашган ҳамкорликни чуқурлаштиришга тайёрлик билдирган Марказий Осиёдаги биринчи давлат экани алоҳида қайд этилди.

Иттифоқ давлатларининг ишончи комилки, ШИҲР механизми Ўзбекистоннинг устувор соҳалардаги аниқ, эҳтиёжларини эътиборда тутган амалий муносабатларни янада ривожлантиришга мустаҳкам асос бўлади.

**«Жаҳон» АА**

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ФАРМОНИ*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

**Маданият ва спортни ривожлантириш муаммоларини комплекс тарзда ҳал этиш, жисмонан соғлом, маънавий жиҳатдан бой ва баркамол шахсларни тарбиялаш учун шарт-шароитлар яратиш, соғлом турмуш тарзи ва спортга муҳаббат туйғусини сингдириш, аҳолининг маданий ва эстетик талаб-эҳтиёжларини янада тўлароқ қондириш, шунингдек маданият ва спорт соҳасини бошқаришни такомиллаштириш, бу соҳада давлат сиёсатини амалга оширишни мувофиқлаштириш даражасини кўтариш мақсадида:**

1. Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси тугатилиб, уларнинг негизида Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ташкил қилинсин.

2. Қуйидагилар, Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги фаолиятининг асосий вазифалари ҳамда йўналишлари этиб белгилансин:

маданият ва оммавий спорт соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш, халқнинг бой маданий меросини қайта тиклаш, асрлар мобайнида шаклланган юксак маънавиятни, халқ анъаналари ва урф-одатларини ҳар томонлама ривожлантириш, жисмонан соғлом, маънавий жиҳатдан бой ва уйғун камол топган шахсларни вояга етказиш борасидаги комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш;

миллий истиқлол ғоясидан, Ўзбекистон халқининг маданий ва маънавий-ахлоқий анъаналаридан келиб чиққан ҳолда аҳоли ўртасида маданий-маърифий, физкультура-соғломлаштириш ва оммавий спорт ишларини амалга ошириш, одамларнинг маданий ва эстетик эҳтиёжларини янада тўлароқ қондириш;

театр, мусиқа, хореография, тасвирий санъат, цирк, халқ амалий ва эстрада санъатини янада ривожлантириш, уларнинг ғоявий-бадиий ва маънавий савиясини ошириш, халқ тарихининг энг ёрқин саҳифаларини ва унинг ҳозирги ҳаётини, мамлакатнинг эркин демократик тараққиётини ёритиб берадиган асарлар яратишда ижодий жамоаларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш;

маданий-оммавий ва байрам тадбирларининг чуқур ғоявий мазмун билан бойитилишини таъминлаш, республиканинг ижодий уюшмалари ва жамоат ташкилотлари билан яқин ҳамкорликни йўлга қўйиш, ижодкор ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг ўз талант ва истеъдодларини тўла намоён этишлари учун зарур шарт-шароитларни яратиш;

жисмоний тарбия ва оммавий спортни ривожлантириш, аҳолини, биринчи навбатда ёшлар ва болаларни спорт билан шуғулланиш зарурлигини англаш руҳида тарбиялаш, соғлом турмуш тарзи ва спортга муҳаббат иштиёқини сингдириш, ёшларни меҳнатга ва республика қуролли кучларида хизмат қилишга тайёрлаш;

Олимпия ўйинларида, жаҳон ва Осиё чемпионатларида, халқаро мусобақаларда Ўзбекистон шарафини муносиб ҳимоя қиладиган ва юқори спорт натижаларига эриша оладиган юксак маҳоратли спортчиларни тайёрлаш мақсадида олимпия захираси муассасаларини қўллаб-қувватлаш ва зарур шарт-шароитларни яратиш, жумладан, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш;

халқ ўйинлари, миллий спорт турлари бўйича мусобақалар ташкил қилиш ва ўтказиш;

турар жойлар ва маҳаллаларда маданий-маърифий фаолиятни, аҳолини маданий ва жисмоний жиҳатдан тарбиялашни ташкил қилишда, физкультура соғломлаштириш ва оммавий спорт ишларини ўтказишда давлат ва жамоат ташкилотлари, ўқув юртлари, маҳаллий ҳокимият органлари билан фаол ҳамкорлик қилиш ва уларга ёрдам кўрсатиш;

давлатлараро ва халқаро маданий ҳамда спорт алоқаларини кенгайтириш ва мустаҳкамлаш, конференция, кўргазма ва спорт мусобақалари ўтказиш, маданият, санъат ва спорт соҳасига хорижий инвестиция ва грантларни жалб этиш борасидаги ишларни ташкил қилиш;

маданий-маърифий ва спорт-соғломлаштириш муассасалари, объект ва иншоотларининг моддий-техника базасини ривожлантириш ҳамда мустаҳкамлаш, улардан имконият даражасида тўла ва самарали фойдаланишни таъминлаш;

маданият ва спорт соҳасида кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлашни ташкил қилиш, республика маданий-маърифий ва спорт-соғломлаштириш муассасалари, ўқув юртларини юқори малакали кадрлар билан таъминлаш;

профессионал, халқ ва ҳаваскорлик ижодиётини, оммавий спорт ва жисмоний тарбияни, оммабоп маданий-маърифий ва спорт дастурларини кенг кўламда тарғиб қилиш, шунингдек маданият ва спорт соҳасида оммабоп адабиётларни чоп этиш ҳамда видео ва кино материаллар чиқариш.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг фаолиятини ташкил этиш бўйича Ҳукумат қарорини қабул қилсин.

4. «Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг ташкилий тузилмасини янада такомиллаштириш ва унинг фаолиятини яхшилаш тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 9 мартдаги ПФ-360-сон Фармони ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

**Ўзбекистон Республикаси**
**Президенти И.КАРИМОВ**
Тошкент шаҳри, 2004 йил 27 сентябрь




## «ШАРҚ ГЎЗАЛИ»ДА ДУНЁ ГЎЗАЛЛАРИ

Бир замонларда, аниқроғи яқин ўтмишда, шўро замонида республикамиз пойтахти Тошкентда бирорта халқаро турнир ўтказиладиган бўлса бошимиз осмонга етарди. Гўё биз ҳам қаторда бордек, бизга ҳам озгина эътибор берилгандек бўларди. Республикамиз пойтахти Тошкентда деб бекорга урғу бераётганимиз йўқ. Чунки, вилоятларда халқаро турнирлар умуман ўтмасди, бунга шароит ҳам йўқ эди.

Бугун нафақат Тошкентда, балки Самарқанд, Бухоро, Навоий, Фарғона, Андижон, Наманган каби шаҳарларимизда Осиё чемпионатлари, йирик халқаро турнирлар ўтказиш анъанага айланди. Бунинг учун шароит ҳам, имконият ҳам етарли.

30 сенябрь куни Тошкентда яна бир катта спорт байрами, бадиий гимнастика бўйича «Шарқ гўзали-2004» жаҳон Кубоги босқичи байроғи кўтарилади. Бадиий гимнастика бўйича бундай нуфузли мусобақа нафақат Марказий Осиёда, балки Осиё қитъасида илк бор ўтказилмоқда.

4-бет

*Халқ демократик партияси ҳаётидан*

## СИЁСИЙ ИЖРОҚЎМ ЙИҒИЛИШИ

**2004 йил 27 сентябрь куни Ўзбекистон Халқ демократик партияси Маразий Кенгаши Сиёсий ижроия қўмитасининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Сиёсий ижроқўм аъзолари, Қорақалпоғистон республика, Тошкент шаҳар, барча вилоятлар партия кенгашлари биринчи котиблари, партия марказий нашрлари бош муҳаррирлари иштирок этди.**

Мажлис кун тартибидан бир қатор масалалар жой олди.

ЎзХДП Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, туман ва шаҳар ташкилотларида ҳисобот-сайлов йиғилишлари ва конференциялари якуни юзасидан муҳокамадан сўнг ҳисобот-сайлов кампанияси натижаларини барча даражалардаги партия кенгашлари ижроия бюроларининг кенгайтирилган мажлисларида кўриб чиқиш, белгиланган устувор вазифаларни бажариш бўйича тадбирий чоралар ишлаб чиқиб, уларни амалга ошириш вазифалари белгиланди. Бунда бошланғич партия ташкилотларини мустаҳкамлаш, шаҳар ва туман партия кенгашлари фаолиятини кучайтириш, партиянинг жамиятдаги таъсири ҳамда мавқеини оширишга алоҳида эътибор берилиши лозимлиги уқтириб ўтилди.

Сиёсий ижроия қўмита мажлисида жорий йилнинг 26 декабрь куни ўтказиладиган Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатлигига сайловларга тайёргарлик масалалари катта ўрин эгаллади. Ушбу долзарб масалага бағишланган режалар аниқланиб, жойларда олиб борилаётган ишлар тўғрисида ахборотлар тингланди. Депутатликка номзодларни танлаш ва уларни сайловолди курашига тайёрлаш лозимлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди. Партиянинг барча даражадаги кенгашлари, ташкилотлари олдига бутун ташкилотчилик ва оммавий-сиёсий фаолиятини Ўзбекистон ХДПнинг навбатдаги IV қурултойи ҳамда республика Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва давлат ҳокимияти маҳаллий вакиллик органларига сайловлар бўлишини ҳисобга олган ҳолда ташкил этиш вазифаси қўйилди.

Шунингдек, йиғилишда партия матбуот нашрларига 2005 йил учун обуна масаласи ҳам муҳокама этилди. Барча даражадаги партия ташкилотларига обуна мавсумини уюшқоқлик билан ўтказиш масаласига энг муҳим вазифалардан бири сифатида қаралиши лозимлиги қайд этилди.

Мажлисда партия ҳаётига оид бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Барча кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати**

## МЕҲРДАН ЯШНАДИ, ТЎЛҒОНДИ ҚАЛБЛАР

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши, Олий Мажлиснинг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси, партиянинг Самарқанд вилоят ташкилоти ҳамда вилоят Хотин-қизлар қўмитаси ҳамкорлигида Пастдарғом, Пайариқ ва Нарпай туманларининг чекка-чекка қишлоқларида меҳнаткашлар билан ошкора учрашувлар, самимий суҳбатлар ўтказилди

### УЗОҚ ДАЛАДАГИ КЕЧКИ УЧРАШУВ

Дастлаб Пастдарғом туман Чархин ижтимоий-иқтисодий касб-ҳунар коллежида бўлган учрашувда ўқитувчилар, хотин-қизлар, маҳалла оқсоқоллари ва талабалар иштирок этишди. Тадбирда сўзга чиққан Олий Мажлис депутати Ойниса Мусурмонова бугун мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотлар жараёни, унда барча соҳа ходимларининг иштироки, эртанги истиқболли кунлар ҳақида гапирди. Шунингдек, ўқитувчи ва мураббийларни касб байрамлари билан табрикладн. Шундан сўнг давом этган қизғин баҳс-мунозаралар тадбир иштирокчиларида катта таассурот қолдирди. Учрашув сўнггида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист София Сафтарова ижросидаги куй-қўшиқлар иштирокчиларга байрам кайфиятини улашди.

Кечга яқин партия фаоллари туманнинг энг чекка хўжаликларидан ҳисобланмиш «Янгиобод» ширкат хўжалигида бўлишди.

Чамаси беш юздан ортиқ хўжалик аъзолари-ю ҳашарчилардан иборат пахта йиғим-теримида иштирок этаётган йигит-қизлар билан бўлган самимий мулоқотларда ХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби Аслиддин Рустамов сўзга чиқиб, мамлакатимизнинг «оқ олтин» хирмони юксалиши йўлида ҳормай-толмай меҳнат қилаётган теримчи йигит-қизларга куч-қувват тилади. Теримда илғорлик қилаётган пахтакорларга ХДП Марказий Кенгашининг Фахрий ёрлиқлари ва эсдалик совғаларини топширди. Шундан сўнг сўзга чиққан Олий Мажлис депутати Ойниса Мусурмонова халқимизнинг миллий бойлигини етиштириш йўлида қилинган фидокорона меҳнатлар албатта ҳукуматимиз томонидан қадрланаётгани тўғрисида гапириб, қишлоқ ёшларининг ижтимоий-сиёсий жараёнларга доир саволларига жавоб берди. Қизғин мулоқотлардан сўнг хўжалик дала шийпонида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Гулбаҳор Сулаймонова ижросидаги концерт намойиш этилди.



— Шундай узоқ чўл шароитида жойлашган хўжалигимизга республикада ўз ҳурматига эга инсонларнинг ташриф буюришининг ўзи катта гап, — дейди «Янгиобод» ширкат хўжалиги механизатори, «Шуҳрат» медали соҳиби Абдураҳмон Яхшиев. — Бу ерда ўтказилган очиқ мулоқот, таниқли хонандаларнинг концерт дастури чарчоқларимизни тарқатиб юборди. Бунинг учун Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши раҳбариятидан миннатдормиз. Қанийди шундай учрашувлар тез-тез ўтказилиб, биз қишлоқ меҳнаткашларига маънавий озуқа бериб турилса. Насиб этса, тез кунларда давлатга пахта топшириш режасини бажарамиз деб турган эдик, ушбу тадбир одамларимиз кайфиятидаги кўтаринкиликни янада оширади, деб ўйлайман.

2-бет

BANK XALQ BANKI
ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ
Хизматлар лицензияланган

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI
MULKDORGA HAMKOR!
Tel: 132-25-51, 133-46-61, Faks: 133-20-74
WWW.tshmbm.uz E-mail: info@tshmbm.uz va Birja@mail.tps.uz
Хизматлар лицензияланган

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

ALOQABANK — aniq, tez, ishonchli!
Tel: 137-23-98, 137-10-20, 134-75-57; Faks: 136-76-22.
WWW.alokabank.uz E-mail: info@alokabank.uz
Хизматлар лицензияланган

Ўзбекистон ХДП ташкилотлари ҳаётидан

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

**Ўртачирчиқ тумани** ҳудудида жойлашган ҳарбий қисмда «Ўзбекистон Республикасининг икки палатали парламентига сайловларга тайёргарлик кўриш» мавзусида ижтимоий-сиёсий билимлар куни ўтказилди. Унда ХДП туман кенгаши биринчи котиби Ф.Абдужабборов иштирок этиб, офицер ва аскарларга сайлов қонунчилигининг хусусиятлари, сайловларни ўтказиш бўйича туманда олиб борилаётган ишлар тўғрисида гапириб берди.

**ЎзХДП Ангрен шаҳар кенгаши** ҳузурида фаолият кўрсатаётган Ёш парламентчилар клуби навбатдаги ўқув курсларини бошлади. Биринчи дарс мавзуси Олий Мажлиснинг XV сессиясида қабул қилинган қонун ва ҳужжатлар мазмун-моҳиятини ўрганиш, декабрь ойида бўлиб ўтадиган сайловларга тайёргарлик масалаларига бағишланди.

**Ўзбекистон ХДП Чирчиқ шаҳар** кенгаши томонидан Чирчиқ олий танк муҳандислари ҳарбий қўмондонлик билим юртида «Жамиятни демократлаштиришда сиёсий партияларнинг ўрни ва икки палатали парламентга сайловлар» мавзусида «давра суҳбати» ўтказилди.

**Бекобод туман** марказий шифохонаси бошланғич партия ташкилоти 50 йилдан буён самарали меҳнат қилиб келаётган шифокор Охунжон Тўрабековнинг 75 ёшга тўлиши муносабати билан тантанали тадбир ташкил қилиб, унга туман партия кенгаши Фахрий ёрлиғи ва эсдалик совғалар топширди.

**Когон туман** ҳокимлиги маданият бўлимида ўтказилган «Ўзбекистонда парламент ислоҳоти» мавзуидаги йиғилишда ХДП Бухоро вилоят кенгаши котиби Б.Муҳитдинов ва Когон туман партия кенгаши биринчи котиби Б.Хайруллаев бўлажак сайловларда сиёсий партияларнинг ўрни, ЎзХДПнинг сайловолди асосий вазифалари тўғрисида маърузалар қилдилар.

**ХДП Вобкент туман** кенгаши ташаббуси билан Қозоқ Раззоқов номли маҳалла фуқаролар йиғинида партия ва маҳалла фаоллари иштирокида сиёсий партияларнинг фаолияти, сайловолди тараддуд ва сайлов қонунчилиги масалаларига бағишланган мулоқот бўлиб ўтди:

**ЎзХДП Пешку туман** кенгаши биринчи котиби Э.Холов тумандаги саноат коллежи талабалари билан учрашиб, «Сайловлар ва сиёсий партиялар» мавзусида маъруза қилди ҳамда ёшларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарди.

# МЕҲРДАН ЯШНАДИ, ТЎЛҒОНДИ ҚАЛБЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда.)




### ҚУВОНЧУ ТАШВИШГА ОШНО ОДАМЛАР

Пайариқ туманидаги учрашувлар меҳр улашишдан бошланди. Туман марказидаги 54-махсус мактаб-интернатида ўқитувчилар, туман ногиронлар жамияти аъзолари, фахрийлар ва маҳалла оқсоқоллари, хотин-қизлар йиғилишди. Олий Мажлис депутати Ойниса Мусурмонованинг Меҳр ва мурувват йилида амалга оширилаётган ишлар ва жамиятда хотин-қизларнинг ролини оширишга доир маърузаси йиғилганларни тўлқинлантириб юборди.

Сиёсат майдонида сиёсий партияларнинг роли ва Халқ демократик партиясининг дастур ва ғоялари тўғрисида сўзлаган ХДП Марказий Кенгашининг биринчи котиби Аслиддин Рустамов партиянинг мақсади халқ манфаатлари билан муштарак эканлигини таъкидлади. Шундан сўнг ХДП Марказий Кенгаши ҳамда «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармасининг қимматбаҳо совғалари мактаб-интернат жамоасига топширилди. Бир гуруҳ ўқитувчилар ва хотин-қизларга фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари улашилди.

— Олий Мажлис депутати билан бу яқин орада учрашмагандик, — дейди II жаҳон уруши қатнашчиси Очил Бозоров. — Ойнисахон бизни округдан депутат эмас. Лекин халқ билан дардлашай деб келибди, бунинг учун катта раҳмат. Биз яшаб турган Пайариқ қўрғонидаги муаммоларни балки мутасадди идораларга етказар. Кейинги пайтларда туман марказида яшовчи аҳоли ичимлик суви таъминотидан қийналяпти. Шаҳарчамиз кўчалари кеч тушиши билан зимистонга айланади. Хуллас, айтаверсак муаммо кўп. Марказий истироҳат боғининг аҳволини бир кўринг. Зора, шу депутат синглимиз ёки катта сиёсий партиянинг раҳбари Аслиддан Русамов бу масалада ёрдам қўлини чўзса, деймандa.

Шунингдек, бу каби муаммо ва камчиликлар юзасидан туман ҳуқуқий маслаҳатхонаси мудири Эрдош Аҳадов ҳам ўз фикр-мулоҳазаларини баён этди.

Пайариқ тумани ушбу йил давлатга пахта топшириш бўйича вилоятда карвонбошилик қилмоқда. Ёппасига фермер хўжаликларига айлантирилган туман деҳқонлари сидқидилдан меҳнат қилишиб, бирин-кетин зафар марраларини эгаллашмоқда.

**Сайёра АҲАДОВА, «Абдулла ота-1» фермер хўжалиги раиси, ЎзХДП аъзоси:**

— Ёз бўйи тер тўкиб қилинган меҳнатларимиз самараси ўлароқ бугун юзимиз ёруғ. Шартномада белгиланган 12 тонна ўрнига 16 тонна хомашё топширдик. Фермер хўжалигимиз 54- мактаб-интернатдаги 2 нафар болани ўз оталиғига олган. Мавсумий кийим-кечак, зарур ўқув қуроллари билан таъминлаб турамиз. Ётоқхонага битта телевизор олиб берганмиз.



Деҳқону шифокор, ўқитувчи ва ўқувчилар иштирок этган учрашув қизиқарли концерт дастурига уланиб кетди.

Кечга яқин тадбир ташкилотчилари «Чўраш» деҳқон фермер хўжаликлари уюшмасига ташриф буюришди. Меҳмонларни Чўраш қишлоғидаги 24-мактаб стадионида мингдан зиёд киши кутиб олди. Учрашув Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Гулбаҳор Сулаймонова, хушовоз хонанда Дилшод Раҳмоновлар ижросидаги куй-қўшиқларга уланиб кетди.





Шавкат АКРАМОВ олган суратлар

### НАХРИПАЙДА ЗАФАРЛАР БИСЁР

Нарпай тумани қишлоқ хўжалигида эришаётган ютуқлари билан республикамизда алоҳида ўрин тутади. Кейинги йилларда давлатга пилла, ғалла ва пахта топшириш бўйича шартномавий режалар ошиғи билан бажарилиб келинмоқда. ХДП фаоллари ташриф буюрган куни ҳам «Иттифоқ» ширкат хўжалигининг 2 та бригадаси давлатга пахта топшириш режасини уддалаган экан. Туман ҳокими Акбар Жамилов иштирок этган ушбу тадбирда ҳам Олий Мажлис депутати Ойниса Мусурмонова, ЎзХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби Аслиддин Рустамовлар сўзга чиқишиб, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнига атрофлича тўхталишди.

Шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси халқ бахшиси Зиёдулла Исломов, Гулбаҳор Сулаймонова, Лайло Салоҳиддинова, Равшан Тўхташев ва бошқа санъаткорлар ижросидаги куй-қўшиқлар тадбир иштирокчиларига хуш кайфият улашди.

**Гулҳаё НАРМАНОВА, оилавий звено аъзоси:**

— Пахта давлатимизнинг бебаҳо бойлигидир. Эрта баҳордан бошлаб қилган меҳнатларимиз натижаси бугун бўй кўрсатди. Ҳозир 156 тоннага етган хирмонимизни 200 тоннадан оширишга аҳд қилганмиз. Насиб этса, меҳнатдан келган бойлигимизни яхши кунларимизга ишлатамиз. ХДП Марказий Кенгаши ўтказган бугунги тадбирдан бениҳоят хурсандмиз. Халқимизнинг шундай тадбирлари, байрамлари кўп бўлсин.

ХДП Марказий Кенгаши ташаббуси билан ўтказилган очиқ мулоқот, концерт дастурларини республикамиз бўйлаб оммалаштириш керак, деб ўйлайман, — дейди туман ҳокими Акбар Жамилов.

Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши, Олий Мажлиснинг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси ташаббуси билан Самарқанд вилоятида ўтказилган очиқ мулоқотлар ўз ниҳоясига етди.

Учрашувларда вилоят ҳокимининг ўринбосари, вилоят хотин-қизлар қўмитаси раиси Гавҳар Худойбердиева, ХДП Самарқанд вилоят кенгаши биринчи котиби Камолбой Исабековлар иштирок этдилар.

**Шуҳрат ҚАРШИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

**Суратларда:** учрашувлардан лавҳалар.

«Уста — 2004»

## ЙИЛНИНГ ЭНГ ЯХШИ УСТАСИ

Бузилган автомобилингизни бир зумда тузатиб берган устага беихтиёр тасаннолар айтасиз, дил-дилингиздан раҳмат дейсиз. Сифатли ишдан мамнун бўласиз, кайфиятингиз кўтарилади.

Самарқанд шаҳрида «Ўзавтотеххизмат» акционерлик бирлашмаси корхоналари ўртасида анъанавий «Уста-2004» мусобақалари бўлиб ўтди. Республикамизнинг барча вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасидан келган вакиллар автомобилларнинг мотор, юриш қисмлари ва электр жиҳозларини созлаш бўйича ўзаро беллашдилар. Чаққонлик, билим ва зукколик талаб қиладиган бу мусобақаларда жиззахлик Исомиддин Йўлдошев, фарғоналик Раҳимжон Усмонов, навоийлик Изатулла Музаффаровлар ўз соҳалари бўйича биринчиликни қўлга киритдилар. Муҳаммад Сатторов, Баходир Аҳмедов, Муҳаммад Қодиров, Акмал Фозилхўжаев, Вахоб Бўстонов, Фарҳод Туклибоевлар эса иккинчи ва учинчи ўринларга сазовор бўлдилар.

Мусобақа ғолиблари — Йилнинг энг яхши усталари «Ўзавтосаноат» уюшмаси, «Ўзавтотеххизмат» акционерлик бирлашмаси, Ўзбекистон автомобилчилар Миллий федерацияси таъсис этган қимматбаҳо совғалар ва дипломлар билан мукофотландилар.

**Норбобо ШАКАРОВ**

## ЗАФАРОБОДДА ЯНГИ МАКТАБ

Ғиждувон туманининг Зафаробод қўрғонида уч қаватли замонавий мактаб биноси кончиларнинг фарзандларига инъом этилди. Мазкур билим маскани 844 ўринли бўлиб, унда ўқувчиларнинг таълим-тарбия олишлари учун барча шароитлар ҳозирланган. Жумладан, тил ўрганувчилар учун лингафон хонаси, замонавий жиҳозланган компьютер синфи, 2 та спорт зали, стадион ва ошхона болаларга маъқул тушганини айтмайсизми?

— Ушбу мактаб биносини фойдаланишга топширганимиз шаҳарча аҳолисини қувонтириб юборди, — дейди Навоий кон-металлургия комбинатининг 5-кон бошқармаси бошлиғи Т.Рўзиев.

**Даврон БАҲРОНОВ**

Муносабат

# «ҲОЛВАНИ РЕКТОР, КАЛТАКНИ СТУДЕНТ ЕЙДИМИ?»

**Газетамизнинг 20 май сонида ушбу сарлавҳа остида чоп этилган мақолада республикамиздаги айрим ташкилот ва идораларда, жумладан Сурхондарё вилояти халқ таълими тизимида бюджет маблағлари талон-торож қилинаётгани, Термиз давлат университетида эса студентлар стипендиялари ва ўқитувчилар маошлари банкдан ўз вақтида олинсада, муддатида тарқатилмай келинаётгани каби ҳолатлар хусусида сўз юритилганди.**

**Шунингдек, мақолада маош, нафақа ва стипендиялар сабабсиз равишда сурункали равишда кеч тарқатилиши ҳолатлари одамлар кайфиятига салбий таъсир этиши, айни чоғда уларда давлатга нисбатан норозилик уйғотиши мумкинлиги ҳақида мулоҳазалар билдирилган эди.**

**Мақола юзасидан тегишли идоралардан жавоб хатларини кутишга тўғри келгани ва хатларини таҳлил этишга бироз вақт кетиб, газетхонларга кечикиб маълумот бераётганимиз учун узр сўраймиз.**

### БИРИНЧИ ЖАВОБ

Биринчи бўлиб Сурхондарё вилоят прокуратурасидан жавоб олинди. Унда жумладан шундай дейилган: **«...Аниқланишича, вилоят халқ таълими бошқармасига қарашли айрим туманлар халқ таълими бўлими масъул мансабдор ва моддий жавобгар шахслари мансаб ваколатини суиистеъмол қилиб, мансаб ваколатидан қасддан фойдаланиш йўли билан халқ таълими бўлими ходимларининг ойлик иш ҳақлари ва бошқа харажатлар учун берилиши лозим бўлган жуда кўп миқдордаги нақд пулларни ўзлаштириб, талон-торож қилиши натижасида давлат ва фуқароларнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларига жуда кўп миқдорда зарар етказилган...»**

Жавоб хатида Қумқўрғон туман халқ таълими бўлимида ўқитувчилар иш ҳақлари ва бошқа биринчи даражали харажатлар учун банкдан олинган нақд пулларнинг 15 млн. 946 минг сўми қалбаки тўлов ва чиқим ҳужжатлари билан ўзлаштириб юборилгани, 11 млн. 795 минг сўми асоссиз харажат қилингани, 29 млн. 200 минг сўмлик тўлов ҳужжатлари тақдим этилмаганлиги сабабли шу маблағлар берилмасдан қолинганлиги қайд этилган.

Мазкур ҳолатлар юзасидан вилоят прокуратураси томонидан Қумқўрғон туман халқ таълими бўлими мансабдор шахсларига нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, айблов хулосаси судга юборилган. Етказилган зарар айбдор шахслардан тўлиқ ундирилган. Уларга нисбатан ЖКнинг 45-моддаси қўлланилиб, моддий жавобгарлик юклатилган, мансабдорлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқидан 2 йилга маҳрум қилинган.

Жавоб хатида Шўрчи туман халқ таълими бўлимида ҳам бюджет маблағлари талон-торож қилингани, турли йўллар билан ўзлаштирилгани аниқланиб, айбдор шахсларга нисбатан суд ҳукмига кўра тегишли жазолар тайинлангани маълум қилинади.

Вилоят прокурорининг ўринбосари, адлия маслаҳатчиси **Ж.Махмадаминов** имзоси билан келган 9 саҳифадан иборат мазкур жавоб хатида 2002-2004 йиллар давомида халқ таълими соҳасида ва айрим банкларнинг туман бўлимларида бюджет интизомини бузганлик ҳолатлари бўйича вилоят прокуратураси томонидан жиноят ишлари қўзғатилгани ҳақида қатор мисоллар келтирилади.

Жавоб хати давомида шундай дейилади: **«...мақолада, Термиз давлат университетида давлат мулки талон-торож қилинаётгани ва бошқа қонун бузилиши ҳолатлари билдирилган...**

**Текширишда Термиз давлат университетининг айрим раҳбар ва масъул ходимлари мансаб ваколатларини суиистеъмол қилиб сохта ҳужжатлар тузган ҳолда университет мулкини бошқа идораларга бериб юборишиб, давлат манфаатларига жиддий зиён етказганликлари, жуда кўп миқдордаги бюджет маблағларини сметада назарда тутилмаган харажатларига йўллаб, бюджет интизомини қўпол равишда бузганликлари, дебитор қарзларни ўз вақтида қидириш чораларини кўрмасдан хизмат вазифаларига совуққонлик билан қараганликлари, моддий жавобгар шахслар томонидан эса уларга ишониб топширилган пул маблағлари ва моддий қимматликлар талон-торож қилинганлиги ҳамда фуқароларнинг мурожаатларига эътиборсизлик билан қараб келинганлиги аниқланган...»**

Хатда университетда бюджет маблағи турли йўллар билан талон-торож қилингани хусусида ҳам далиллар келтирилган. Масалан, **«...Ўқитувчилар иш ҳақлари ва студентлар стипендияларидан жуда кўп миқдорда қарздорлик бўлгани ҳолда 24 нафар раҳбар ва моддий жавобгар шахсларга 2 млн. 204 минг сўм ортиқча бериб юборилган ва шу пуллар то шу кунга қадар ундириб олинмаган...**

**Мазкур жиноят иши бўйича олиб борилган дастлабки тергов ҳаракатлари давомида Термиз давлат университетининг студентларига 876 минг 382 сўм стипендия пуллари узоқ вақтлардан буён берилмасдан келинганлиги аниқланган. Ҳозирги кунда ушбу жиноят иши бўйича Термиз давлат университетининг молиявий фаолияти юзасидан ҳужжатли тафтиш тайинланган бўлиб, тафтиш ишлари ва тергов ҳаракатлари давом эттирилмоқда.**

**Вилоят прокуратураси томонидан ушбу жиноят ишининг тергови алоҳида назоратга олинган...»**

Жавоб хатидан кўриниб турибдики, таълим-тарбия учун давлат бюджетидан ажратилган маблағ шу соҳанинг раҳбарлари, мансабдор шахслари томонидан ўзлаштириб келинган.

### ИККИНЧИ ЖАВОБ

**«...Сўнгги тўрт йил давомида Термиз давлат университети раҳбариятининг фаолияти юзасидан вазирлик ва юқори ташкилотларга Сурхондарё вилояти фуқароларидан тушаётган ариза ва шикоятлар сони ортиб бормоқда. Фақатгина 2004 йил давомида Термиз давлат университети ректори Ҳ.Аллақуловнинг фаолиятидаги камчиликлар кўрсатилган ариза, шикоят ва телеграммалар сони 11 тани ташкил этади...**

**Термиз давлат университетида вужудга келган вазият Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, вилоят ҳокимияти, прокуратураси ва бошқа мутасадди ташкилотлар томонидан бир неча бор жойида ўрганилган. Вазирлик томонидан ташкил этилган комиссия (18.04.2003й. буйруқ №91) университет фаолиятини ҳайъат мажлисида танқидий муҳокама этган ва университет фаолиятини қониқарсиз деб баҳолаган ҳамда маънавий-маърифий ишлар бўйича проректор Ҳ.Дўстёров ва ўқув ишлари бўйича проректор У.Бердиев эгаллаб турган вазифаларидан озод этилган.**

**Иш ҳақи ва нафақани тўлаш учун «Уйжойжамғармабанк» Термиз филиалидан олинган 13200000 сўм миқдоридаги нақд пулларнинг ўз вақтида профессор-ўқитувчиларга тўланиши хусусида Сурхондарё вилояти назорат-тафтиш бошқармасининг бошлиғи А.Бегматовнинг имзоси билан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Назорат-тафтиш бош бошқармаси бошлиғи О.Т.Юлдашев номига йўллаган хати (12.04.2004й., №08-04/176) илова этилмоқда.**

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 17 июндаги қарори билан Ҳидирназар Аллақулов ўз аризасига биноан Термиз давлат университети ректори вазифасидан озод этилган.**

**Вазир ўринбосари Ш.Аюпов».**

Бу жавобда бир масала кишини ўйга толдиради. Ректорнинг ноқонуний ишлари ҳақида 2004 йил давомида 11 марта шикоят келган бўлса, 2003 йилда вазирлик томонидан ташкил этилган комиссия текшируви натижаси ҳайъат мажлисида муҳокама этилиб, университет фаолияти қониқарсиз деб баҳоланган бўлса, университет фаолияти учун бош масъул бўлган ректор ўз жойида ишлаб келаверса... ўз ноқонуний ишларини давом эттираверса...

Ўз-ўзидан савол туғилади: нега ректорга нисбатан қонуний жазо кўрилмаган, нега бош айбдор четда қолиб, бошқалар жазоланган? Нега ректорнинг қилмишлари, университетдаги талон-торожликлар газетада ошкор этилмагунча ректор ўз ўрнида ишлаб келаверган. Ваҳоланки, унга чора кўриш учун университетда бир эмас, балки ўнлаб қонунсизликлар содир этилган эди-ку!?. Демак, унинг ортида ишонган «тоғи» бўлган, кимдир уни ўз ҳимоясига олиб келган. Оқибатда ректор қўрқмасдан ўз «фаолияти»ни давом эттираверган. Қаранг, қонунсиз иш қилаётган одамга кимнингдир, қайси бир амалдорнинг қалқон бўлиши жамиятга қанчалик зиён келтирмоқда. Шунча гап-сўздан сўнг ректор «ўз аризасига кўра» ишдан бўшатилган... Бу гаплар ўйлаш, хулоса чиқариш учун мулоҳаза тарзида айтилди, холос.

### УЧИНЧИ ЖАВОБ

**«...Марказий банк раҳбарияти томонидан... мақола чуқур ва ҳар томонлама ўрганиб чиқилди...**

**...Ушбу мақолада келтирилган тартиббузарликларнинг олдини олиш мақсадида барча тижорат банкларига бюджет муассасалари, айниқса таълим муассасаларига банкдан иш ҳақи, стипендия, пенсия ва нафақалар беришда тегишли назоратни янада кучайтириш тўғрисида қўшимча кўрсатма берилди.**

**Раис ўринбосари А.Қодиров».**

Жавоб хатида алоҳида қайд этилмаган бўлсада, Марказий банк раҳбарияти бюджет пулларини асоссиз равишда ўз вақтида бермаслик ҳолларига нисбатан жиддий чоралар кўраётгани ва айбдорларга нисбатан муросасиз бўлаётганидан хабаримиз бор.

### ТЎРТИНЧИ ЖАВОБ

Тўғриси, масалага батафсилроқ тўхталишимизга ҳам шу жавоб туртки бўлди. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг ўринбосари М.Абдураҳмонов имзоси билан келган бу хат бошида мамлакатимизда давлат бюджетидан самарали фойдаланиш бўйича салмоқли ишлар қилинаётгани, жумладан, бюджет интизомига риоя қилиниши, бюджет маблағларининг белгиланган мақсадда сарфланиши устидан қаттиқ назоратни таъминлашга доир ишларни самарали ташкил этиш мақсадида қабул қилинган қарорлар, бу қарорларни амалга ошириш бўйича молия вазирлиги ва унинг қуйи органлари амалга ошираётган ишлар ҳақида маълумотлар келтирилган.

Дарҳақиқат, молия вазирлиги, хусусан, назорат-тафтиш бош бошқармаси ва унинг жойлардаги бошқармалари олиб бораётган ишларни ҳеч ким инкор этмаса керак. Устига-устак жавоб хатида қуйидаги янгилик эътиборни тортади. **«Ҳозирги кунда Молия вазирлиги томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 26 апрелдаги 144-сонли «Давлат молияси бошқарувини ислоҳ қилиш лойиҳасини амалга оширишга тайёргарлик кўриш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Давлат бюджети ижросининг ғазначилик шаклига ўтказиш бўйича амалий ишлар олиб борилмоқда. Бу тизимнинг жорий қилиниши билан бюджет интизомига риоя қилинишини тўлиқ таъминлашга эришилиши кўзда тутилмоқда».**

Демак, давлат бюджетидан ажратилган маблағлар талон-торож қилинмай, мақсадли сарфланишини таъминлаш учун изланишлар, чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Бироқ, жавоб хати давомида мақола юзасидан қатор эътирозлар билдирилган: **«... масалага холисона ва объектив ёндошилмасдан, инсонлар тақдирига бефарқлик билан қаралган ҳолда ёзилганлиги бизни ранжитди».**

Агар бирор масалада хато ёки англашмовчиликка йўл қўйган бўлсак, узр сўраб, хатони тузатишдан ҳеч қачон қочмаймиз. Аммо, қаерда нохолис бўлганимизни аниқлай олмаяпмиз. Мақолада кўтарилган масала битта — давлат бюджетидан ажратилган маблағлар талон-торож қилинаётгани, ўғирланаётгани. Бунга Республика прокуратурасидан олинган маълумотлар мисол қилиб келтирилган. Бунга хоҳлаган вилоятдан яна ўнлаб мисолларни келтириш мумкин. Буни ҳеч ким инкор этолмаса керак.

**Нуқтаи назар**

# ИНВЕСТИЦИЯ РАВНАҚИ

## УНИ ЖАЛБ ЭТИШ УЧУН ҚУЛАЙ ШАРТ-ШАРОИТНИНГ АСОСИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ: РИВОЖЛАНГАН ҚОНУНЧИЛИК ВА СИФАТЛИ БИЗНЕС ТУЗИЛМА

Хўш, бизни қандай инвестициялар қизиқтиради ўзи?

Бу оддий савол эмас. Чунки, бизнинг бозорларимизда барча турдаги ва шаклдаги инвестицияларга талаб катта. Бироқ, бозор сари интилаётган ҳар бир корхона ҳозир инвесторларнинг аниқ бир турига муайян эҳтиёж сезмоқда. Зеро, бизнес ривожланиши нуқтаи назаридан компанияларимизнинг аксарияти ривожланишнинг дастлабки босқичларида турибди.

Маълумотларга қараганда, бозор тузилмасининг ўзгариши ва қўшилишлар ҳамда банкрот натижасида «500 лидер» гуруҳига кирувчи йирик халқаро компаниялар рўйхатидан охирги 10 йил ичида ярмиси ўчиб кетган (эътибор қилинг! янги компаниялар эмас, балки бизнес етакчилари). Боз устига, ахборот асрининг глобаллашуви натижасида иқтисоддаги ўзгаришлар жараёни тобора тезлашиб, уларнинг самарасини олдиндан билиш қийинлашмоқда. Пировардида, инвесторлар, айниқса, ривожлантиришнинг даслабки босқичида турган компанияларнинг молиявий инвесторлари орасида таваккалчилик даражаси ўсиб бормоқда.

Бугун бизнес оламидаги рақобатчилар курашида салмоқли активларга эга компаниялар ғолиб чиқмоқда. Афсуски, компанияларимизнинг аксарияти ўз бизнесларининг бир қисмини банк кредитлари ёки шахсий даромади асосида молиялаштиришга уринадилар. Чунки улар қарз олиш учун етарлича таъминланмаганлар. Шахсий даромадини кўпайтириш учун эса вақт кетади. Шу боис улар кўпроқ ташқи капитални жалб этишга қодир рақибларига ютқазиб қўймоқдалар.

Бизнесни ривожлантиришнинг босқичлари — бозордаги стратегик ўрни, тармоқ тажрибаси, операциялар ҳажми, самарадорлиги ва менежмент даражаси кам асосий бизнес жараёнлари билан белгиланади. Илғор мамлакатлар тажрибасидан шуни кўрамизки, бозор етакчилигини таъминловчи асосий кўникмалардан бири ривожланиш даражасидир.

Бизнесни ривожлантириш босқичлари: Уни ташкил этиш босқичи; бошланғич босқичи; дастлабки ривожланиш босқичи; кенгайтириш босқичи; етуклик босқичи.

Ўзбекистон компаниялари ҳолатини таҳлил этсак, уларнинг аксарияти бизнесни ривожлантиришнинг бошланғич босқичида ёки бизнесни кенгайтириш босқичида турибди. Афсуски, тан олиш жоиз — етук компаниялар даражасига етган компаниялар улуши жуда оз. Бу, авваламбор — менежментнинг паст даражаси натижасидир.

Бундай компаниялар айнан таваккал сармояларга муҳтож бўлишади. Сармояларни жалб этиш акцияларни оммавий жойлаштириш эмас, балки хусусий жойлаштириш орқали амалга оширилади. Таваккал сармояни тўғридан тўғри сармоялар бериш фондлари — молиявий сармоядорлар билан бир қаторда стратегик сармоядорлар — бизнеснинг сармоялаш объектига ўхшаш ёки мос келувчи соҳаларида фаолият кўрсатувчи корпорациялар ҳам жойлаштириши мумкин.

Молиявий сармоядорлар мақсади — компания бизнесининг нархи ошишида. Чунки, улар компания сармояли ишлаши натижасида нархи кўтарилган акцияларни сотиш эвазига даромад олади. Стратегик сармоядорлар мақсади эса бошқача: маҳсулот сотиш ҳажмини ўстириш, харажатларни камайтириш ёки нарх-наво белгилашни сотиб олинаётган компаниядан ташқарида шакллантириш. Шуни ҳам ҳисобга олиш керакки, стратегик сармоядорларнинг бизнесни сотиб олиш усуллари — корхоналарни бирлаштириш ёки ўзига қўшиб олишдир.

Охирги ўн йил ичида мамлакатимиз ҳудудида шундай корхоналарнинг бирлашгани тўғрисида кўпдан-кўп маълумотларга эгамиз. Агар стратегик сармоядор мамлакатимиз ҳудудида 100 фоиз шахсий корхона барпо этса ёки қўшма корхонага ўзбекистонлик шерик билан биргаликда маблағ ажратса — унга тасанно айтиш керак. Бироқ, ҳаракатдаги корхона ўзининг анъаналарига, шахсий тамға ҳамда ўсишнинг юқори потенциал — салоҳиятига эга бўлса, сармоядорни танлашдан олдин яхшилаб ўйлаб кўришни тақозо этади.

Савол туғилади: «Бизнес эгалари учун корхонага киритилган маблағлар нархининг ўсиши, акцияларнинг эса сотилиш қобилияти ошиши манфаатлими?» Жавоб: «Албатта».

Яна савол: Давлат учун ҳудудида рақобатбардош ва тобора ўсиб бораётган муассасавий сармоядорлар ҳамда банкларни жалб этувчи, ўз ривожланиши учун самарали молиялаштиришни таъминлашга қодир корхоналар мавжуд бўлиши яхшими? Албатта, яхши!

Унда, биз тан олишимиз жоиз, бизнинг иқтисодиётимиз таваккал сармояга муҳтож. У кредитлар ёки стратегик сармоядорларга эмас, балки корхонага ривожланишнинг дастлабки босқичида тўғридан-тўғри сармоя киритувчи молиявий сармоядорга муштоқ. Агар давлат хомашёга асосланган иқтисодиётдан юқори технологияли иқтисодиёт томон интилишни режалаштирган бўлса таваккал молиялаштиришга бўлган эҳтиёж янада кўпаяди. Минглаб венчур фондлари фаолият кўрсатаётган АҚШ ва Европадан фарқлироқ, қўшнимиз Россияда венчур фондлари фаолият кўрсатишни аллақачон бошлаб юборишди.

Молиявий сармоядорлар, яъни таваккалчилик билан сармоя киритмоқчи бўлган мулкдорлар асосан: ўсишнинг юқори салоҳиятини таъминловчи ишчан бизнес-модел ва стратегия мавжудлиги; менежмент малакаси даражаси; бизнеснинг ошкоралиги ҳамда салбий омилларни вақтида йўқотиш имконияти; чиқиш имконияти (4-7 йилдан кейин акцияларни анча юқори нархда сотиш) каби мезонларга асосланиб инвестицион қарор қабул қилишади.

Расмий хусусиятларга қараганда, аксарият корхоналар фақат таваккал сармояга таянишлари мумкин бўлгани билан, уларнинг кўпчилиги юқорида келтирилган инвестицион мезонларга жавоб бермайди. Назаримда, инвестицион муҳитни яхшилаш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш жараёнида ҳукумат ўз эътиборини корхоналар билан сармоядорларнинг ўзаро самарали фаолият кўрсатишлари учун хизмат қилувчи жиҳатларга ҳам қаратиши керак.

Ўсиш потенциали ҳақида фикр юритганда шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, Ўзбекистоннинг дефицит ва унчалик рақобатбардош бўлмаган бозори ихтиёрий компаниянинг ўсиши учун чегараланмаган имкониятлар беради. Бордию, компания бошқаруви «ўсишнинг бундай кўрсаткичларига эришиш мумкин эмас», деб бонг урса, бу уларнинг стратегик хатолари ҳамда бошқарувнинг малакасизлиги билан боғлиқ. Самарали стратегияси бўлмаган компания — бу унинг мажбуриятлар гирдобида қолган активлари тўпламидир. Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон компаниялари эгалари ва бошқарувига стратегик режалаштириш ва акцияларни жойлаштириш борасида малакали ёрдам бериш пайти аллақачон келди, деб ўйлайман.

**Анвар ХОЛМУРОДОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси тингловчиси**

**XORIJDA**

## АЛАВИЙ: САЙЛОВЛАР ЭРКИН ВА ҲАЛОЛ БЎЛАДИ

Ироқда январь ойига белгиланган сайловлар афтидан мамлакатнинг барча туманларида ўтказилмайди. АҚШ мудофаа вазири Дональд Рамсфельд бу ҳақда сенатдаги ўз чиқишида айтган, деб хабар беради Reuters агентлиги. Рамсфельд сўзларига кўра, овоз бериш хавфсизлик етарли таъминланган жойлардагина бўлиб ўтади. Экстремистларнинг мавқеи кучли бўлган туманларда сайловлар бўлмаслиги мумкин. Пентагон раҳбарининг фикрича, мамлакатда қисман сайловларни ўтказиш мақбул. Ҳар қандай ҳолда ҳам сўнгги сўзни Ироқ ҳукумати айтади, деб қўшимча қилган у.

Reutersнинг таъкидлашича, Рамсфельд Ироқ Бош вазири И.Алавий ва АҚШ Президенти Ж.Бушнинг Оқ уйдаги учрашувидан сўнг бир неча соат ўтгач чиқиш қилган. Бу учрашувда улар Ироқдаги вазият кескинлашувига қарамай, сайловлар аввал режалаштирилганидек январь ойида ўтказилишини билдиришган.

— Сайлов жараёни такомил бўлмаслиги мумкин, лекин ҳар қандай ҳолатда ҳам у эркин ва ҳалол бўлади, — деб таъкидлаган Алавий. — Ҳолбуки, биз сайловларни 18 вилоятдан 15 тасида эртагаёқ ўтказишимиз мумкин.

## ХАВФСИЗЛИК ХИЗМАТИ БИНОСИДАГИ ПОРТЛАШ

Франциянинг жануби-ғарбида жойлашган, Испания билан чегарадош бўлган Байонн шаҳри жамоат хавфсизлиги хизмати биносида кучли портлаш рўй берган. Портлаш натижасида бинонинг бир қисми вайрон бўлган. Портлаш чоғида бино ёнидан ўтиб кетаётган бир киши бироз жароҳатланган. Бундан ташқари, портлаш гувоҳлари бўлган кишилар касалхонага келтирилган. Шаҳар маъмурлари воқеа сабабларини текширишга киришди. Дастлабки тахминларга кўра бинода маиший газ портлаган бўлиши мумкин.

## «ЖАННА»НИНГ ҚУРБОНЛАРИ



Associated Press хабарига кўра, «Жанна» тўфони Гаитида 1500 кишининг ҳаётига зомин бўлган. 900 га яқин киши домдараксиз кетган. Тўфон оқибатида тахминан 300 минг киши бошпанасиз қолган. Мамлакат шимоли-ғарбидаги Гонаив шаҳри аҳолиси энг кўп жабр кўрган. Гаитида тартибсизликлар бошланган. Қуролли кимсалар озиқ-овқат тарқатиш марказларига ҳужум қилмоқда. Ҳукумат марказлар ҳимояси учун 140 аскарни ажратди. Инсонпарварлик амалиётларида БМТнинг 600 га яқин вакили иштирок этаяпти.



Онтарио кўчаларида

## КЕННЕТ БИГЛИ ҲОЗИРЧА ТИРИК

Reuters агентлиги хабарига кўра, Лондонда жойлашган Ислом тадқиқот маркази директори Ёсир ал-Серри Ироқда ўғирлаб кетилган британиялик муҳандис Кеннет Бигли ҳали омон эканлигини айтган. Ал-Серрининг агентликка гапириб беришича, унинг ташкилоти воситачилар орқали Биглини ўғирлаб кетганларга мурожаат этган. Мурожаатда Буюк Британия ҳукумати заифлигини намойиш этиш учун гаровга олинганни озод этиш зарурлиги таъкидланган.

Ал-Серри яна бир ислом ташкилоти ҳам Биглини ўғирлаб кетганларга мурожаат этганлигини маълум қилди. Воситачилар сўзларига кўра, Бигли ҳали қатл этилмаган, ислом фаолларининг ҳар иккала мурожаати экстремистлар томонидан ўрганилмоқда.

Эслатиб ўтамиз, 62 ёшли инглиз Бигли ва америкалик Южин Армстронг ва Жек Хенсли 16 сентябрь куни гаровга олинган эди. Уларни ўғирлаб кетганлар «Абу-Граиб» ва «Умм-Каср» қамоқхонасидаги барча Ироқ аёллари 48 соат ичида озод этилишини талаб қилишганди. Акс ҳолда террорчилар гаровга олинганлар қатл этилади, деб таҳдид этишганди. АҚШнинг иккала фуқароси қатл этилди. Одамларни ўғирлаш Абу Мусаб ал-Заркави бошчилигидаги «Жамоа ал-Тавхид ва Жиҳод» гуруҳи томонидан ташкил этилган. Шанбада исломчилар сайтларидан бирида Биглининг қатл этилганлиги тўғрисидаги хабар пайдо бўлганди. Террорчилар шунингдек британиялик етти ҳарбий хизматчи ҳам қўлга олинганлигини маълум қилишган.

## 25 ЙИЛГА ҲУКМ ҚИЛИНДИ

Ироқ миллий гвардияси ходимини ўлдиришда айбдор деб топилган америкалик ҳарбий хизматчи Федерико Мерида 25 йиллик қамоқ жазосига ҳукм қилинди. Ироқдаги Америка қўмондонлигининг вакили маълум қилишича, Федерико Мерида қотилликда ва ҳарбий судга ёлғон кўрсатмалар берганликда айбдор деб эътироф этилди. Шу билан бирга ҳарбий хизматчи армиядан бўшатилди ҳамда барча имтиёзлар ва унвонлардан маҳрум этилди. Қўмондонлик вакилининг қўшимча қилишича, қамоқ жазоси муддати 30 йилдан 25 йилга келтирилган. Тергов маълумотлари бўйича, Мерида 2004 йил майида коалицион кучларнинг Тикритдаги базаси жойлашган ерда ироқликни ўлдирган.

## ТОУТАТИС ЯҚИНЛАШМОҚДА

Чоршанба куни сўнгги юз йил мобайнида йирик астероид Ерга энг қисқа масофада яқинлашади. Кельт афсонасидаги худолардан бири Тоутатис номи қўйилган ушбу самовий жисм 1989 йилда француз астрономлари томонидан очилганди. Унинг узунлиги 4,6 километр, эни эса 2,4 километрни ташкил этади. Астероид Ердан 1. миллион 549 минг 719 километр олисликда ўтади. NASAнинг Ер атрофидаги объектларни тадқиқ этиш дастурида иштирок этаётган олимлар маълум қилишича, астероиднинг Ер билан тўқнашуви эҳтимоли нолга яқин экан.

Астероид Қуёш атрофини тўрт йил ичида тўлиқ айланиб чиқади. Шуниси қизиқки, унинг ҳаракатланиш орбитаси тартибсиз, бу шу хилдаги самовий жисмлар учун ғайри табиий ҳол ҳисобланади. Тоутатис 1353 йилда сўнгги марта Ерга шундай яқин келганди. Унинг сайёрамизга навбатдаги яқинлашуви 2562 йилда рўй беради.

Яна вазирликнинг жавоб хатидан:

**«Мақолада келтирилган бюджет интизомини бузиш ва бошқа молиявий қонунбузарлик ҳолатларининг барчаси айнан Молия вазирлиги назорат-тафтиш бош бошқармаси ва унинг жойлардаги бошқармалари ходимлари томонидан аниқлангани... Муаллифнинг бюджет маблағларини назорат қилувчилар ўз вазифаларини бажармаётганлиги ҳақидаги хулосаси асоссиз бўлиб, бу Молия вазирлиги шаънига путур етказган...»**

Бу жуда қизиқ даъво эмасми? Биринчидан, мақолада кўп мисоллар Сурхондарё вилоят Назорат-тафтиш бошқармаси текшируви хулосасидан, республика прокуратураси маълумотлари, таҳририятга келган шикоятлар ва студентлар тушунтириш хатларидан олингани аниқ кўрсатилган-ку. Иккинчидан **«бюджет маблағларини назорат қилувчилар ўз вазифаларини бажармаяпти»,** деган хулоса мақолада айтилмаган.

Яна бир кўз югуртирсангиз, мақолада бундай дейилган: **«...бюджет маблағларини мақсадли ишлатишни назорат қилувчи идоралар, биринчи навбатда Молия вазирлиги Назорат-тафтиш бош бошқармаси, унинг вилоятларда бўлимлари бўла туриб, ҳар бир шаҳар ва туманда... бюджет маблағларини тўғри харажат қилинишини устидан кунлик мониторинг жорий этилганига қарамай ўғирлик ва талон-торожлик нега давом этмоқда?**

**Бу соҳани эгаллаб турган кадрларда принципиаллик етишмаяптими, салоҳияти талабга жавоб бермайдими ёки уларнинг тили қисиқ жойи борми?.. Бу маблағни назорат қилувчилар ўз вазифасини бажармаётгани учун нега жавоб бермайди? ...Эҳтимол. бюджет маблағи мақсадли сарфланишини назорат этиш механизмини ўйлаб кўриш керакдир».**

5

«... ўз вазифасини бажармаётгани учун нега жавоб бермайди» деган гап талон-торожликлар мисол қилиб келтирилган туман, шаҳар, вилоятга масъул бўлган назоратчилар шаънига айтилаяпди. Ёки тизимнинг ҳамма ходимлари беайбми, камчиликлар йўқми?

Шу гаплар нохолисми, асоссизми? Юқорида вилоят прокуратурасидан келган жавобда халқ таълими соҳасида мансабдор ва моддий жавобгар шахслар мансаб ваколатидан фойдаланиб, халқ таълими ходимлари ойлик иш ҳақлари ва бошқа харажатлари учун берилиши лозим бўлган жуда кўп миқдордаги нақд пулларни ўзлаштириб, талон-торож қилиши натижасида давлат ва фуқаролар манфаатига жиддий зарар етказилгани айтилган.

Термиз давлат университетидаги турли хил талон-торожликлар ойлаб, йиллаб давом этиб келган. Бу жиноятлар ўқитувчи ва студентларнинг турли идораларга ёзган кўплаб шикоят хатлари сабабли очиляпти. Агар улар шикоят ёзиб, арз-дод қилиб, турли идоралар эшигига бош уришмаганда ким билади, университетдаги бу бедодлик ва адолатсизликлар яна қанча давом этарди?

Хўш, бюджет маблағларини талон-торож этилаётган, бошқача айтганда нопок раҳбарлар томонидан ўмарилаётган бўлса, бунга бир эмас, ўнлаб, юзлаб мисоллар бор бўлса, бу ҳолатларни қандай баҳолаш мумкин? Назорат-тафтиш ишларимиз жойида бўлса, нега бу жиноятларнинг олди олинмаяпти? Нега бири-биридан ташвишли қонунбузарликлар давом этаяпти?

Вазирлик жавобида яна шундай савол қўйилган: **«... бир кимсанинг қилган айб ишини бошқа инсонга ағдариш ва «адвокатлик» қилишдан муаллифнинг нима манфаати бор?»**

Бу савол қўшимча саволни уйғотади: вазирлик айб қилган деб ҳисоблаётган ўша кимса ким? Дейлик, ўша назарда тутилаётган «иш»ни вазирлик ходими эмас, балки вилоят молия тизимидаги бошқа ходим қилган демоқчими? Алихўжанинг ўрнига Валихўжани кўрсатиш вазиятни енгиллаштирмайди-ку. Ёки вилоятдаги ходимнинг вазирликка дахли йўқми?

Қўлимизда бу масалага оид бир қатор ҳужжатлар, гувоҳлар кўрсатмалари ва бошқа ашёвий далилларни айрим мулоҳазаларга кўра мақолага киритмадик.

Жавоб хатида таҳририятга яна шундай эътироз бор: **«Мақола чоп этилгандан сўнг ўтказилган суриштирувга кўра, аниқландики, Шўрчи тумани халқ таълими бўлими собиқ бош ҳисобчиси Д.Бекмуродов «Ўзбекистон овози» газетасига ҳеч қандай шикоят хати ёзмаганлиги... тўғрисида тушунтириш хати тақдим қилди. Бундан кўринадики, энг оммавий газеталардан бирида шундай қалбаки далилларга асосланган мақола чоп этилган ва шу билан айрим кимсалар манфаати учун молия вазирлиги масъул ходимлари шаъни ва қадр-қимматига жиддий путур етказилган».**

Биз таҳририятимизга хат ёзмаган одамни хат ёзди деб айтадиган даражада эсимизни йўқотган эмасмиз. Кимки қизиқса кўрсатишимиз мумкин: Бекмуродовдан иккита хат, битта шошилинчнома келган. Биринчи хати тўғрисида аввалги мақолада қисман тўхталганмиз. Мақола газетада чиққач, Бекмуродовни қаерга қай ҳолатда чақириб, қандай тушунтириш хати олинганидан ҳам хабардормиз. Чунончи, Бекмуродовдан тушунтириш хати олинган куни у бизга қуйидаги шошилинчномани юборган: **«...Мақола бўйича мени Термизга чақириб олиб, турли хил тазйиқ ва қўрқитишлар эвазига мажбуран ёздириб олдилар... Менга қонун йўли билан ёрдам беришингизни илтимос қилиб қоламан».**

Орадан уч кун ўтгач, ундан тушунтириш хати тарихи тўғрисида батафсил ёзилган хат келди. Хат охирида у туҳмат уюштириб қаматиб юборишлари мумкинлигини айтиб, ёрдам беришимизни сўраган.

6

Биз, албатта, нафақат уни, балки ҳақиқат йўлида таҳририятимизга мурожаат қилган ҳар бир фуқарони ҳимоя этишга ҳаракат қиламиз.

Вазирлик кадрлар бошқармаси бошлиғи Р.Зайнитдинов масаласига келсак, биз шикоятчи Д.Бекмуродов хатидан кўчирма келтирганмиз, холос. Ва айни чоғда «Бош ҳисобчи тазйиқ остида қарз берганми, порами, текширувчиларга нисбатан гаплари ҳақми, ноҳақми... Бу масалалар тегишли идоралар эътиборига ҳавола. Аммо бюджет маблағи талон-торож қилингани аниқки, шунинг учун ҳам унга нисбатан жиноят иши қўзғатилган», дейиш билангина чекланганмиз, холос.

Эҳтимол, Молия вазирлиги матбуот танқидига биринчи марта дуч келаётгандир, шунинг учун мақола айрим раҳбарларга жуда қаттиқ ботгандир. Лекин, биз бундай мунозараларга кўп дуч келганмиз. Танқидни сиркаси сув кўтармайдиган айрим катта-кичик раҳбарлар тўқсон-тўққиз фоиз гапимиз тўғри бўлиб, бир фоизи хато кетган ҳолатларда тўқсон-тўққиз фоиз ҳақ гапга жавоб бериш ўрнига уни бир четга суриб, ўша бир фоиз хато учун ёқамизга ёпишиб, вазиятни чалкаштириб, ўзини жазодан қутқазиб қолишга уринишларини биламиз.

Жавоб хатида, назаримизда, бироз қизишиброқми, жаҳл биланми қуйидаги сўзлар ёзилган: **«...Назорат-тафтиш Бош бошқармаси ходимлари томонидан аниқланган фактларни, худди ўзлари аниқлагандек қилиб, Молия вазирлигининг масъул ходимлари шаъни ва номусини булғаш мақсадида ҳақиқий ҳолатни бузиб кўрсатиш ачинарли ҳолдир...»**

Яна бир бор қайтарамиз, Термиз давлат университетидаги жиноятлар ўқитувчи ва талабаларнинг таҳририятимизга ёзган шикоят ҳамда тушунтириш хатлари, шунингдек, вилоят назорат-тафтиш бошқармаси ахборотномаси асосида ёзилгани мақолада аниқ кўрсатилган. «Молия вазирлигининг масъул ходимлари шаъни ва номусини булғаш мақсадида ҳақиқий ҳолатни бузиб кўрсатиши ачинарли ҳолдир», деган даъвога келсак, буни ҳаддидан ошилган туҳмат дейиш мумкин. Чунки, кимнингдир «шаъни ва номусини булғаш»ни биз ҳеч қачон мақсад қилиб қўймаганмиз ва биз бундай ахлоқсизликдан мутлақо йироқлигимизни хатга имзо чеккан муҳтарам вазир ўринбосарига эслатиб ўтмоқчимиз.

Мақолани холис туриб, оғринмай ўқиган одам тушунадики, гап иқтисодий ислоҳотларга, фуқаролар турмуш тарзига, эртанги кунга бўлган ишончига, жамиятимиз ривожига жиддий зиён етказаётган иллат — давлат бюджети маблағини талон-торож қилиш, ўғирлаш устида бормоқда. Бу масала бўйича биз аслида вазирликдан бошқача ёндашувни кутган эдик. Афсуски, назаримизда жавоб хатида бюджет маблағлари талон-торож қилиниши сабаблари, назорат этувчи тизим фаолиятини кучайтириш бўйича газетхонларга ахборот беришдан кўра, вазирлик шаъни ва нуфузи кўпроқ ҳимоя қилинганга ўхшайди. Айбдорларга нисбатан қандай чора кўрилгани, бундай ҳолатларнинг олдини олиш, назоратни кучайтириш бўйича қилинажак ишлар ҳақида деярли гап юритилмаган. Ваҳоланки, аччиқ бўлсада айтиш керак, бюджет маблағларини толон-тарож қилиш ҳолларига исталган вилоятда дуч келиш мумкин. Президентимиз И.Каримов ҳам шу йилнинг 1 июнь куни халқ депутатлари Сурхондарё вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқида айнан ушбу масалага алоҳида тўхталиб, қатор мисоллар келтириб ўтгани эсингизда бўлса керак...

7

Очиғи, бу ҳақда биринчи марта гапирилаётгани йўқ. Прокуратура идораларига мурожаат қилинса, ҳар бир йил бўйича алоҳида-алоҳида маълумотлар олиш мумкин. Демак, оёғимизга тушов бўлиб турган иллатлардан бири ҳамон давом этмоқда. Шу ҳолатнинг ўзиёқ бизни ҳушёр торттириши, назорат-тафтиш идоралари фаолиятини такомиллаштириш устида ўйлаш, хулоса чиқариш зарурлигини англатмаяптими? Агар биров чўнтагимиздаги пулимизни ўғирласа, ҳақимизга хиёнат қилса, бепарво қараб туролмаймизку.

Мақоладан мақсадимиз — шу каби саволлар устида мулоҳаза юритиш, масалага мутасаддилар эътиборини торттиб, жиноятга қўл урганлар қисматини бошқаларга сабоқ қилиб кўрсатишдан иборат эди. Матбуотнинг асл вазифаси ҳам шу. Афсуски, вазирликдаги айрим раҳбарлар бизнинг мақсадимизни ўзларича тушунишган кўринади. Жавоб хатида мақола муаллифи шаънига қаттиқ гаплар айтилиб, расмий равишда раддия эълон қилиниши, «шаъни ва номуси асоссиз равишда топталган ходимлардан кечирим сўралиши» талаб қилинган, акс ҳолда суд идораларига мурожаат қилиш билан огоҳлантирилган.

Судга мурожаат қилиш ҳар кимнинг қонуний ҳуқуқи, албатта. Аммо, биз бу жавоб бутун вазирликнинг хулосасими ёки бир-бирини қўллаб-қувватлаган икки-уч кишининг фикрими, деган хаёлга борганимизни ҳам яширмаймиз. Лекин, такрор айтамиз, биз ўз фикр-мулоҳазаларимизни ҳимоя қилиш ва айтган гапларимизга жавоб бериш учун етарли даражада маълумотларга эгамиз. Шунингдек, масалани ўринли кўтарганмиз, деб ҳисоблаймиз.

Биз бюджет маблағларининг талон-торож қилиниши бўйича ҳар-бир мисолга ўта ташвишли ҳолат сифатида қараймиз ва бу мавзуни давом эттириш ниятидамиз.

**Сафар ОСТОНОВ,**
**Бош муҳаррир**

**«Пахта — 2004»**

## АВТОДЎКОНЛАР ПАХТАКОРЛАР ХИЗМАТИДА

### Қорақалпоғистонда пахта йиғим-терими ҳар қачонгидан эрта бошланди

Етиштирилган ҳосилини нест-нобуд қилмасдан териб олишда шаҳарликлар ҳам яқиндан ёрдам кўрсатишаётир. Қораўзак, Қонликўл, Қўнғирот, Тахтакўпир, Кегайли туманлари пахтакорлари қабул пунктларига ҳар куни йиллик режанинг 5,5-7,5 фоизи миқдорида хомашё топширишга эришмоқдалар. Ўнлаб ширкат ва фермер хўжаликлари шартномавий режаларини барвақт бажаришга муваффақ бўлдилар.

Мавсумда теримчиларга «Қорақалпоқтутинув» («Қорақалпоқматлуботжамияти») республика Акциядорлик компанияси бошқаруви ибратли савдо хизмати кўрсатиб, улар олқишига сазовор бўлаяпти.

— Шу долзарб кунларда 30 та кўчма автодўкон ташкил этдик, — дейди компания бошқаруви раиси ўринбосари Гулмирза Йўлдошев. — Ҳар туманда 3-4 тадан шундай дўконлар пахтакорларнинг биринчи галдаги эҳтиёжлари — озиқ-овқат, кийим-кечак ва бошқа саноат моллари билан тўла таъминлашаяпти. «Тўрткўлтутинув», «Берунийтутинув», «Элликқалъатутинув» ҳиссадорлик жамиятларига қарашли автодўконларнинг ҳар бири кунига 150-200 минг сўмлик савдо қилишмоқда.

**Реймбой ЕШИМБЕТОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

## МАЗМУНЛИ ҲОРДИҚ

Когон туман маданият ишлари бўлими жамоаси йиғим-терим мавсумида пахтакорларнинг мазмунли дам олишлари учун даланинг ўзида турли хил кўнгилочар тадбирларни ўтказмоқда.

— Бу ишда 8 та маданият ва ташвиқот гуруҳи, айниқса фаоллик кўрсатмоқда, — дейди маданият бўлими мудири Саттор Болтаев. — Бу гуруҳларга туманнинг тажрибали ташвиқотчилари жалб этилган бўлиб, улар пахтакорларга икки палатали парламент, мамлакатимизда ўтказилажак сайловлар тартиби, бу борада олиб борилаётган тайёргарлик ишлари ҳақида батафсил сўзлаб бермоқдалар. 12 та кўчма кутубхона орқали эса китоб тарғиботи ҳам амалга оширилаяпти.

Биргина ташвиқот билан чекланмасдан дала меҳнаткашларининг ҳордиқ соатларида «Гўзал» ашула ва рақс дастаси, «Қасри Орифон» ҳамда «Сухор» вокал-чолғу ансамбллари ўзларининг концерт дастурларини намойиш этмоқда. Буларнинг барчаси пахтакорларнинг яхши ҳодиқ чиқариб, терим суръатини янада оширишларига хизмат қилаётир.

**Даврон БАҲРОНОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

# «ШАРҚ ГЎЗАЛИ»ДА ДУНЁ ГЎЗАЛЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)





**Суратларда:** қизларимизнинг мусобақага тайёргарлик жараёнидан лавҳалар.

**Шавкат АКРАМОВ олган суратлар**

«Шарқ гўзали» мусобақаси дунё спортида ҳафтанинг энг муҳим воқеаларидан бири бўлиши кутилмоқда. Нафақат Осиёнинг, балки дунёнинг бир қанча кучли терма жамоалари мазкур халқаро турнирда иштирок этиш истагини билдиргани мусобақанинг қанчалик нуфузли эканлигидан далолат беради.

«Ўзбекистон» спорт мажмуаси халқаро андозаларга мос равишда мусобақага тайёрланганини халқаро экспертлар эътироф этишмоқда. Хусусан, Германиядан 16Х16 ва машғулотлар учун 14Х14 ҳажмли гимнастика гиламлари келтирилди. Шунингдек, «Поёндоз» Ўзбекистон — Эрон қўшма корхонасидан 1000 кв.м.ли гиламлар келтирилган.

Турнирга Халқаро бадиий гимнастика федерацияси мутасаддилари ва халқаро тоифадаги ҳакамлар жалб этилган. Ғолиб ва совриндорларга «Оникс» заводида ишланган биллур кубок, медал, диплом ва эсдалик совғалари тақдим этилади.

Бадиий гимнастика бўйича илк сабоқларни Ўзбекистонда олган, ҳозирда Россияда истиқомат қилаётган уч карра жаҳон ва тўрт карра Европа чемпиони, олимпия ўйинлари ғолибаси Алина Кабаева ҳамда кўп карра жаҳон ва Европа чемпиони, Гран-при туркумига кирувчи турнирлар ғолибаси Ирина Чашина каби истеъдодли спортчиларнинг ҳам «Шарқ гўзали»да иштирок этиши мусобақага ўзгача шукуҳ бахш этади.

Шунингдек, бадиий гимнастика бўйича кучли таркибга эга бўлган Япония, Польша, Жазоир, Белорусия, Озарбайжон, Грузия, Хитой Тайпейи, Ҳиндистон, Қозоғистон, Қирғизистон каби давлатлар спортчилари пойтахтимизга ташриф буюради.

Мусобақада юртимиз шарафини халқаро тоифадаги спорт усталари Алеся Ашаева, Анастасия Берестецкая, спорт устаси Екатерина Бабина ва спорт усталигига номзод Рита Алимовалар ҳимоя этишади.

— Ҳозирда яхши спорт формасидаман. Жисмоний тайёргарликларим жойида. Терма жамоадаги дугоналаримнинг ҳам кайфиятлари аъло, — дейди лента машқларида Ўзбекистон чемпиони Анастасия Берестецкая. — Насиб этса, ҳукуматимизнинг спортга бўлган эътибори, бадиий гимнастикани ривожлантириш йўлида бизга кўрсатилган ғамхўрликларни ўз иштирокимиз билан оқлашга ҳаракат қиламиз.

Бундан ташқари, уч юздан ортиқ ёш гимнастикачиларимиз кўргазмали чиқишларда ўз маҳоратларини намойиш этишади.

**Анвар САМАДОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

---

**Аёл ва жамият**

# ЯХШИЛИКНИНГ ОБОД ЙЎЛИ

**Ҳаётнинг шундай жабҳалари борки, унга етиш учун кишидан заҳматли меҳнат билан бирга катта сабр-тоқат, туганмас меҳр, қалб ҳарорати талаб этилади. Яна шундай довонлар ҳам учрайдики, уни забт этиш фақат энг катта оғирликни ҳам зиммасига олишга тайёр инсонларга насиб этади.**

**Биз қуйида ана шундай заҳматли соҳага бутун ҳаётини бағишлаб келаётган аёлларимиздан бирининг фаолияти ҳақида ҳикоя қиламиз.**



Халқимизда йўл, кўприк қуришнинг савоби ҳақида кўп нақллар бор. Бу азалий удум, улуғ қадриятдир. Қаҳрамонимиз — истеъдодли олима, техника фанлари номзоди, профессор Аълохон Қодирова умрини шундай хайрли ишларга бахшида этаётган замондошларимиздан.

Унинг болалиги иккинчи жаҳон урушининг шафқатсиз даврига тўғри келди. Кўпга келган тўй экан, отаси — ўзбек санъати ва маданияти ривожига ҳисса қўшган Расулхўжа Эшонхўжаев 39 ёшида фронтда ҳалок бўлди.

— Онам Иқболхон ёш бева қолиб, ёлғиз ўзи икки қизни тарбияладилар. Ўшанда опам Раънохон — етти, мен беш ёшда эдим. Эсимда, онам уч сменалаб ишлардилар. 1946 йилда 1-синфга борганман. Шўрлик онам ҳар доимгидек ишда, мактабга амаким етаклаб чиққанлар, — дейди Аълохон Қодирова ёшлигини хотирлаб.

Мактабда опа-сингил кўпчиликнинг ҳавасини келтириб, яхши ўқишди. Асосан аниқ фанларга қизиқишди. Айни шу даврда Аълохоннинг дилида илм олишга катта иштиёқ уйғонганди. Мактабни битириб, Тошкент политехника институтининг автомобиль йўллари бўлимига ўқишга кирди.

Ўтган асрнинг 50-йилларида автомобиль йўллари қурилиши мамлакат учун бутунлай янги соҳа бўлиб, Аълохон бўлимдаги ягона ўзбек қизи эди. Талабалик йилларийёқ унинг кичик лойиҳалари бир неча марта танловларнинг бош совринини олишга муваффақ бўлди. У институтни имтиёзли тугатиб, республикамизнинг ўша йиллардаги таниқли фан арбоблари — маслаҳати билан Москва автомобиль йўллари институтининг аспирантурасига ўқишга кирди. Тинимсиз меҳнат ва изланишлар тезда ўз самарасини берди — Аълохон Қодированинг «Адашган дарёлардан ўтадиган кўприкларни лойиҳалаш масалалари» мавзуидаги номзодлик иши россиялик фан дарғалари томонидан юксак баҳоланди. Улар нозиккина ўзбек қизининг келажаги порлоқ эканлигига катта ишонч билдиришди.

Ёш олима 1965 йилда Тошкент политехника институтининг автомобиль йўллари кафедрасида иш бошлади. Тез орада катта ўқитувчи, доцент бўлди. Олима илмий-педагогик фаолиятини 1972 йилда Тошкент автомобиль йўллари институти ташкил этилгач, шу даргоҳда давом эттирди. Аълохон Қодирова раҳбарлигида Ўзбекистонда автомобиль йўлларини лойиҳалаш соҳасига асос солинди. Унинг маърузаларини талабалар доимо қизиқиш билан тинглашарди. Истеъдодли олима узоқ йиллар автомобиль йўлларини лойиҳалаш кафедрасининг мудири сифатида мамлакатимизда ушбу соҳа бўйича миллий кадрлар тайёрланишига катта ҳисса қўшди. Бу орада кўплаб шогирдлар тайёрлаб, уларга ҳақиқий бахтга ҳалол меҳнат, фидойилик орқалигина эришиш мумкинлигини англатди.

Автомобиль йўлларини лойиҳалаш жиддий соҳа, талабалар уни ўзлаштиришга қийналмаслиги учун машғулотларни жонли фактлар, ҳаётий тажрибалар билан боғлаган ҳолда олиб бориш дарснинг самарадорлигини оширади. Аълохон Қодирова шогирдларини кўпроқ ўз устида ишлашга, мустақил фикрлашга, баҳс-мунозараларда фаол иштирок этишга даъват қилади. Замондошимизнинг тинимсиз иш қобилияти ва етук заковати шогирдларини ҳам илмда теранликка ундайди. Аълохон Қодирова автомобиль йўллари тараққиётига қўшган салмоқли ҳиссаси учун 1996 йилда профессор, 2000 йили Москва автомобиль йўллари институтининг фахрий профессори унвонларига сазовор бўлди.

— Бир донишманд айтган экан: «Ватанпарварлик номусли ва назокатли туйғудир. Ватанга муҳаббат хусусида дуч келган жойда гапираверма, яхшиси унинг фаровонлиги ва қудрати йўлида меҳнат қил». Бу шунчаки баландпарвоз гаплар эмас, киндик қони томган тупроққа чексиз садоқат, туғилган юртга муҳаббат, унинг тараққиётига ҳисса қўшишдек улуғ бахтнинг сўздаги ифодасидир. Илм — масъулият ва машаққат, лекин унинг самараси жуда катта руҳий байрам экан. Ҳам мунаввар, ҳам армонли кунларим, умримнинг энг рангин лаҳзалари, ёшлигимнинг шиддатли онлари шу мўътабар даргоҳда ўтганидан хурсандман, — дейди Аълохон Қодирова.

Руҳий поклик, ростгўйлик ва меҳрибонлик — олиманинг ҳаётий шиоридир. Энг муҳими, у ўзидаги олижаноб хислатларни фарзандлар камолида кўришни орзулаб, уларни илмга фидойи, меҳнатсевар ва ҳалол инсонлар қилиб тарбиялади. Турмуш ўртоғига ҳамфикр рафиқа, фарзандларга тўғри йўл кўрсатувчи она сифатида ҳам Аълохон опанинг оиладаги мавқеи баланд. Бир сўз билан айтганда, яхшилик ва эзгуликнинг меҳр ва мурувватга туташгувчи йўлларини обод қилаётган профессор Аълохон Қодирова сингари замондошларимиз бизнинг фахримиздир.

**Ҳулкар ҲАМРОЕВА**

---


# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ
# ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ

2004-2005 ўқув йили учун тўлов-контракт асосида қуйидаги таълим йўналишлари бўйича бўш вакант ўринларга бакалавриатурага Давлат тест маркази қайдномаларида навбатда турган абитуриентлардан аризалар қабул қилишини маълум қилади:

| 004-Кимё, таълим тили — ўзбекча | |
|---|---|
| Жавоб варақаси номери | Тўпланган бали |
| 0071307 | 153,2 |
| 0071664 | 152,9 |
| 0071290 | 152,4 |
| 0074791 | 152,4 |
| 0077267 | 152,2 |
| 0069953 | 150,6 |
| 0072682 | 150,4 |
| 0074463 | 150,3 |
| **004-Кимё, таълим тили — русча** | |
| Жавоб варақаси номери | Тўпланган бали |
| 0203859 | 99,5 |
| 0203375 | 99,2 |
| 0203392 | 96,6 |

| 024-Тиббий профилактика иши, таълим тили — ўзбекча | |
|---|---|
| Жавоб варақаси номери | Тўпланган бали |
| 0072603 | 123,1 |
| 0072703 | 122,9 |
| 0074604 | 122,6 |
| 0074600 | 122,4 |
| **045-Касб таълими, таълим тили — ўзбекча** | |
| Жавоб варақаси номери | Тўпланган бали |
| 0070496 | 126,9 |
| 0070837 | 126,9 |
| 0070838 | 125,9 |
| 0070479 | 122,2 |
| 0072715 | 121,4 |
| 0072666 | 119,2 |
| 0069832 | 116,6 |

**Абитуриентлардан 2004 йил 30 сентябргача шартномаларни расмийлаштириш ва тўловларни амалга оширишларини сўраймиз.**

**Бизнинг манзилимиз: Тошкент шаҳри, Ойбек кўчаси, 45-уй, тел: 56-37-38.**


# ХАЛҚАРО ФЕСТИВАЛЬ

Пойтахтимизда Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари Кенгаши томонидан илк бор «Тасанно» миллий таомлари фестивали ўтказилди. Ушбу фестивални ташкил этишдан мақсад — мамлакатлар ўртасидаги маданий алоқаларни янада ривожлантириш, дунё халқларининг ўзига хос миллий пазандачилик сирларини оммавийлаштиришдан иборат.

Мазкур халқаро фестивалда Хитой, Исроил, Эрон, Афғонистон, Покистон каби давлатлардан моҳир ошпазлар қатнашди. Улар пазандачиликнинг бир неча турлари бўйича беллашиб, ўз маҳоратларини намойиш этишди.

Фестивалнинг иккинчи кунида ғолибларни тақдирлаш маросими бўлди. Сўзга чиққанлар юртимизнинг халқаро миқёсдаги обрў-эътибори ортиб бораётгани, бинобарин бу каби нуфузли танловлар халқлар ўртасидаги дўстлик ришталарини мустаҳкамлашда алоҳида аҳамият касб этишини таъкидлади.

Ҳакамлар ҳайъатининг хулосасига кўра, исроиллик Юрий Корнев 1-ўрин, хитойлик Кио Янг Ли 2-ўрин, афғонистонлик Зикрилла Муртазоқул эса 3-ўринга лойиқ деб топилди. Ўзбекистон номидан қатнашган Абдусаттор Самадов бош мукофот — Гран При совринини қўлга киритди. Ғолибларга медаль ва ҳомийларнинг қимматбаҳо совғалари топширилди.

**Клара АБДУНАЗАРОВА**

**Ҳикматли сўзлар маъноси**

## САҲРОДА ЯНТОҚ ҲАМ ДАРАХТ БЎЛИБ КЎРИНАДИ

Буни мажозан: «Қаерда бирор нарса йўқ ё камёб бўлса, ўша ерда аслида ёмон, кўримсиз, сифатсиз, қадрсиз нарса ҳам яхши, кўркам, қадр-қимматли бўлиб туюлади», деган маънода қўллайдилар. Шунга ўхшаш: «Чанқаганга сароб сув кўринар» деган мақол ҳам бор. Сароб — атмосферанинг турли қатламлари турлича қизиган, ҳаво очиқ ва тинч кунларда уфқ ортидаги кўзга кўринмайдиган нарсаларнинг ҳаводa акс этиб кўринишидан иборат ҳодиса.


# ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР !

«Тошкент шаҳар муниципал биржа маркази» Сизларни биржа савдоларига таклиф этади.

**БИРЖА САВДОЛАРИГА ҚУЙИДАГИ ТУРАР ЖОЙЛАР ҚЎЙИЛДИ:**

*Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Муборак Турсунхўжаев 2-берк кўчаси, 25-уй манзилида (мўлжал: «Чилонзор буюм бозори» (собиқ Отчопар бозори) қаршисида жойлашган, Ҳовлиси майдони 600 кв.метр (6 сотих), қурилиш майдони 198,2 кв.метр бўлган, 12 хонадан ташкил топган,* ҲОВЛИ-ЖОЙ (ер-тўлали), Бошланғич баҳоси — 70000 000 сўм;

*Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Марказ-15 даҳаси, 13-уй, 74-хонадон манзилида жойлашган, умумий майдони 54,9 кв.метр, фойдали майдони 30,94 кв.метр бўлган,* 2 ХОНАЛИ ХОНАДОН (ЕВРОТАЪМИР), Бошланғич баҳоси — 20000 000 сўм;

*Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Жангох кўчаси, 13-уй, 75-76-хонадонлар манзилида жойлашган, умумий майдони 110,48 кв.метр, фойдали майдони 54,18 кв.метр бўлган,* 4 ХОНАЛИ ХОНАДОН (2 ТА ИККИ ХОНАЛИ, ЕВРОТАЪМИР), Бошланғич баҳоси — 30000 000 сўм.

Биржа савдоларининг савдо сессиялари ҳафтанинг ҳар иш кунида соат $11^{00}$ дан $12^{00}$ гача ҳамда $16^{00}$ дан $17^{00}$ гача «Тошкент шаҳар муниципал биржа маркази»-да бўлиб ўтади.

**Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳар, Мовароуннаҳр кўчаси, 16а-уй.**
*Телефон:133-46-61, 132-25-51, факс: 133-20-74.; www.tshmbm.uz; Эл.почта: Birja@mail.tps.uz ва info@tshmbm.uz*



# Давлат мулки қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси ҳузуридаги «POYTAXT AUKSION» давлат унитар корхонаси

***2004 йилнинг 30 сентябрь, 5,7,12,14 октябрь кунлари аукцион савдоларини ўтказади***

*Савдоларга «Parkent ixtisoslashgan bozori» ОАЖ ҳудудида жойлашган, майдони 9 (3x3) кв.м.дан бўлган 8-сонли озиқ-овқат маҳсулотлари савдо дўкони қуриш ҳуқуқи.* **Бошланғич нархи — 2 000 000 сўм.**

*Ҳамда аввал ўтказилган аукцион савдоларида сотилган, лекин ғолиблар томонидан белгиланган мажбуриятлар муддатида бажарилмаган турғун савдо дўконлари қуриш ҳуқуқи мазкур эълон чиққан кундан бошлаб ҳафтанинг ҳар сешанба, пайшанба кунлари қайтадан аукцион савдоларига қўйилади.*

Савдоларда ҳуқуқий ва Тошкент шаҳрида доимий рўйхатдан ўтган жисмоний шахслар қатнашишлари мумкин. Талабгорлар «POYTAXT AUKSION» давлат унитар корхонасининг «Ўзуйжойжамғармабанк» Тошкент шаҳар бўлимидаги ФА 00425, СТИР 204399967, 20210000804243151001 ҳисоб рақамига объектнинг бошланғич нархидан 5% миқдорида закалат пули тўлайдилар. Аризалар қабул қилиш савдо ўтказиладиган кундан бир кун илгари соат $18^{00}$ да тўхтатилади.

Савдолар Тошкент шаҳри, Мирobod тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 16-«А» уйда ўтказилади. Соат $11.^{00}$ да бошланади. Телефонлар: 133-23-40, 133-02-49.

*Гувоҳнома N 000815*



«ЧП «BEDAPOYA» реорганизуется в форме преобразования в ООО «MAGNOLIYA TEXNOLOGY», по интересующим вопросам обращаться по телефону 330-19-42».


Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва адабиёт жамғармаси уюшма аъзоси, адабиётшунос олим, профессор **Бегали ҚОСИМОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.


**BOSH MUHARRIR:** Safar OSTONOV

**TAHRIR HAY`ATI:**
Abdulla ORIPOV
Asliddin RUSTAMOV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Habib SA'DULLA
Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi o`rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o`rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o`rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Nomoz SA`DULLAYEV
To`lepbergen QAIPBERGENOV
Muslihiddin MUHIDDINOV
Olim MURODOV
Abdug'ani MAMASODIQOV (Mas'ul kotib)

**MUASSIS:**
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

**BO`LIMLAR:**
Siyosat, partiya va xalqaro hayot 133-44-55
Ma`naviyat va ma`rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-76-21
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Mas`ul kotib 133-72-83
Reklama va e`lonlar 133-38-55, 133-47-80

**VILOYAT MUXBIRLARI:**
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

**MANZILIMIZ:**
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.

Navbatchi: **Shohaydar MIRHABIBOV**

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi: **Javlon RASULEV**

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
**Korxona manzili:** *Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.*

*Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 008-raqam bilan ro`yxatga olingan.*
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
*Hajmi 2 bosma taboq.*



«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.



Г — 1061
**7837 nusxada bosildi**
t — Тижорат материали
O'zA yakuni — 21.00.
Topshirish vaqti — [illegible].00.
1 3 4 5 6
**SOTUVDA ERKIN NARXDA**